



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

---

**БУЙРУҚ**

2018 йил “17” *Декабрь* № 01-39

Тошкент ш.

**Олий таълим муассасаларида талабалар ўртасида янги лойиҳа ва ишланмаларнинг танловларини ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар орасида янги лойиҳа ва ишланмалар учун танловлар ўтказиш тўғрисида”ги 1070-сонли буйруғи ижросини таъминлаш, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўқув машғулотларини талабаларда инновацион фикрлашни шакллантирадиган ўқитиш технологиялари, уларда ижодий, илмий-назарий ва интерфаол услубларни жорий этиш орқали инновацион фикрлашни ривожлантириш бўйича индивидуал ишларни ташкил этиш мақсадида:

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 декабрдаги 1070-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликнинг мазкур буйруғига илова қилинган

- “Олий таълим муассасаларида “Энг яхши мустақил иш”, “Энг яхши ижодий ёндашув”, “Энг яхши инновацион ғоя” ва “Инновацион таълим” лойиҳалари номинацияси бўйича танлов низоми”;

- “Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг намунавий низоми”;

- “Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар ўтказиш тўғрисидаги намунавий низом” тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Вахидовга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимов томонидан 2018 йил 14 августда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 2, 4 ва 5-бандлари бўйича тасдиқланган низомлар 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

**4. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Д.Абдуллаева, факультетлар деканлари (Қ.Омонов, С.Хошимова, Ш.Усмонова, Ч.Хусанов, З.Қодиров)га:**

**4.1.** “Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг намунавий низоми” асосида Тошкент давлат шарқшунослик институтида **Инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш кенгаши** ташкил этилсин ва унинг таркибига факультетларнинг тавсиялари асосида талабаларни аъзо қилиш орқали инновацион фикрлашни ривожлантириш ишлари ташкил этилсин.

**4.2.** “Талабалар орасида янги стартаплар учун танловлар ўтказиш тўғрисидаги намунавий низом” асосида барча факультетларда талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш, уларда инновацион фикрлашни шакллантириш ишлари ташкиллаштирилсин ҳамда барча факультетларда талабаларнинг янги стартап лойиҳалари ишлаб чиқилсин.

**4.3.** Танловларга тавсия этилаётган лойиҳа ва ишланмалар республиканинг иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишга йўналтирилганлигини таҳлил этиш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага биноан тасдиқлансин.

**5. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, факультетлар деканлари (Қ.Омонов, С.Хошимова, Ш.Усмонова, Ч.Хусанов, З.Қодиров)га:**

**5.1.** Танловга тақдим этилаётган лойиҳа ва ишланмаларни баҳолаш бўйича факультетлар кесимида декан раислигида **эксперт гуруҳлари** ташкил этилсин ва уларнинг таркибини тасдиқлаш бўйича таклифлар киритилсин.

**5.2.** Институтда таҳсил олаётган иқтидорли талабалар мазкур танловларда фаол иштирок этишлари таъминлансин.

**5.3.** Танловларга тақдим этиладиган барча хужжат ва материаллар сифатли тайёрланишига факультет деканлари масъул этиб белгилансин.

#### **6. Эксперт гуруҳлари раисларига:**

**6.1.** Танловларга тавсия этилаётган лойиҳа ва ишланмалар республиканинг иқтисодий ривожланиши долзарб масалаларини ҳал этишга йўналтирилганлиги мазмуний экспертизадан ўтказилсин.

**6.2.** Экспертиза натижасига кўра лойиҳа ва ишланмаларнинг очик тақдимотга тавсия этиладиганлари саралаб олинсин.

**6.3.** Факультетларда бажарилган инновацион ишланмалар муаллифларининг очик тақдимоти асосида йўналишлар бўйича ғолиблар аниқлансин.

**6.4.** Танловлар тўғрисида хабарномалар тайёрлансин ва улар ҳақидаги ахборотлар оммавий ахборот воситаларида ёритилсин.

**7.** Мазкур буйруқ ижроси назорати илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Ректор



А.Маннонов

**ИШЧИ ГУРУҲ ТАРКИБИ**

1. Н.Абдуллаев Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
2. А.Воҳидов Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор
3. С.Умарова Ўқув бўлими бошлиғи
4. Д.Абдуллаева Илмий тадқиқотлар, инновациялара ва илмий-педагогик кадрлар тайёрла бўлими бошлиғи
5. М.Қаландаров Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими бошлиғи
6. Қ.Омонов Шарқ филологияси факультети декани
7. С.Хошимова Хитойшунослик факультети декани
8. Ш.Усмонова Кореяшунослик факультети декани
9. Ч.Хусанов Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати факультети декани
10. З.Қодиров Тарих ва фалсафа факультети декани